

**Тингловчилар билимини назорат қилиш тартиби ва
баҳолаш мезонлари тўғрисида
НИЗОМ
(Академик қоидалар)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон Фармони шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда – Академия) Уставига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, ўқув режаларига мувофиқ Академияда тингловчилар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари (кейинги ўринларда – Академик қоидалар)ни белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Академия тингловчилари учун мўлжалланган Академик қоидалар – тингловчилар билимини назорат қилиш турлари ва уларни ўтказишни, назорат объективлигини таъминлашни, баҳолаш тартиби ва мезонларини, назорат ўтказиш муддатларини, рейтинг натижаларини рўйхатдан ўтказилишини ва уларнинг таҳлил қилинишини назарда тутди.

2. Академик қоидаларнинг асосий вазифалари:

– тингловчиларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

– тингловчилар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашда Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва билимларни баҳолашда шаффофликни таъминлаш тамойилларига амал қилиш;

– ўқув материалининг тингловчилар томонидан тизимли равишда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

– тингловчиларда мустақил таълим олиш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

– тингловчилар билимини ҳолис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини ўз вақтида маълум қилиш;

– тингловчиларнинг ўқув режаси доирасида комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш.

II. Тингловчилар билимини назорат қилиш турлари

3. Тингловчиларнинг билими, савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун Академияда тингловчилар билимини назорат қилишнинг жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари жорий этилади.

4. Жорий назорат – тингловчининг тегишли фан мавзулари бўйича назарий билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули бўлиб, тингловчи томонидан фан мавзуси мазмунини ўзлаштирганлик даражасини баҳолашга қаратилади, шунингдек, ўқув материални шарҳлаш ва таҳлил қилиш, тест-синов назоратларини бажариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш амалий кўникмалари, муаммоли вазиятларни (кейс-стади, казус ва ҳ.к.) ҳал этиш, жамоада ишлаш, илмий презентациялар тайёрлашни баҳолашга қаратилади.

Жорий назорат тегишли фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича семинар ва амалий машғулот, тест-синовлари каби шаклларда ўтказилиши мумкин.

Фан доирасида семинар ва амалий машғулотлар одатда жорий назоратнинг қуйидаги шаклларида ўтказилади: оғзаки сўров (мантикий муаммоли саволларни қўллаган ҳолда), илмий презентация (фаннинг тегишли мавзуси бўйича кичик гуруҳлар доирасида), муаммоли вазиятларни (кейс-стади, казус ва ҳ.к.) ҳал этиш, жамоада ишлаш (“ақлий ҳужум” интерфаол услубини қўллаган ҳолда), тест ҳамда кафедра томонидан белгиланадиган бошқа шаклларда ўтказилади. Жорий назорат шакллари фаннинг ишчи ўқув дастурида қайд этилиши шарт.

Кафедра мудирининг жорий назорат балларини тасдиқлайди ва уларни ўз вақтида ўқув-методик бўлимга етказилишини таъминлайди.

Кафедра мудирининг, профессор-ўқитувчилар ҳамда фан раҳбари билан биргаликда жорий назорат натижаларини таҳлил қилади ва зарур ҳолларда ўзлаштириши паст бўлган тингловчилар учун қўшимча маслаҳатларни ташкил қилиш чораларини кўради.

Жорий назоратнинг ташқи шакли тингловчининг модуль мавзулари бўйича назарий билимларини, ахборот технологияларидан фойдалана олиш кўникмаларини ҳамда чет тилларини ўзлаштириб бориш даражасини муқобил равишда аниқлаш ва баҳолаш усули бўлиб, тингловчи томонидан муайян давр оралиғида модулнинг ҳар бир мавзуси мазмунини ўзлаштирганлик даражасини баҳолашга қаратилади ҳамда тест-синов шаклида ўқув ҳафтасининг охирида ўтказилади.

5. Оралиқ назорат – семестр давомида фан ўқув дастурининг бир неча мавзулари доирасида тингловчининг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули.

Оралиқ назорат тингловчи томонидан фан ўқув дастурининг тегишли мавзулари мазмунини ўзлаштириш даражаси, тингловчининг адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш амалий кўникмалари, муаммоли вазиятлар (кейс-стади, казус ва ҳ.к.)ни ҳал этиш, тизимли таҳлил, мантикий

фикрлаш, мустақил тадқиқот олиб бориш, ўз фикрларини изчил ва аниқ баён қилиш қобилиятини баҳолашга қаратилган.

Оралиқ назорат икки шаклда амалга оширилиши мумкин.

Фанлар кесимида оралиқ назорат шакллари Академия Ўқув-услубий кенгаши қарори асосида ёки ўқув ишлари бўйича проректор томонидан белгиланади.

Оралиқ назоратнинг биринчи шакли мустақил ёзма иш кўринишида ташкил этилиб, у кафедра томонидан тақдим этилган мавзу, иш ҳажми, муддати ва шартларда бажарилади. Мустақил ёзма ишни бажариш ҳажми ва муддатлари ўқув-методик бўлим билан келишилган ҳолда белгиланади. Мустақил ёзма иш амалиётдан келиб чиқадиган бир ёки бир нечта муаммоли вазиятларни ечишга қаратилиши, қонунчилик ҳужжатлари билан ишлаш, жойлардаги ўқув дарсларида ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни аниқлашга қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Оралиқ назоратнинг иккинчи шакли аудиторияда ўтказиладиган ёзма иш кўринишида бўлиб, у ўқув семестрининг белгиланган муддатида тингловчиларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини синашга қаратилган кейс-стади, казус каби кўринишларда ташкил этилади.

Ҳар қандай шаклда ташкил этиладиган оралиқ назорат фанлар кесимида семестр давомида бир маротаба ўтказилади.

Фан бўйича оралиқ назорат саволлари фан раҳбари томонидан кафедра мудирини билан келишилган ҳолда тузилади. Саволлар сони ўқув бўлим томонидан белгиланади. Саволлар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

– ҳар бир ўқув йили учун янгидан тузилиши ва мазмунан ўтган ўқув йилларида тузилган саволлардан тубдан фарқ қилиши;

– аниқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилинган, амалиёт билан бевосита боғланган бўлиши;

– мазмуни фан ўқув дастурига мувофиқ бўлиши ва ўз ичига ўқув дастурида акс этган ва тингловчини фикрлашга ундовчи назарий, амалий саволларни қамраб олиши;

– тингловчиларнинг фанни ўзлаштириш даражасини, таҳлил қилиш кўникмаларини, мустақил фикрлаш ва келажакдаги касбий фаолиятларида мустақил қарорлар қабул қилиш қобилиятларини аниқлашга қаратилган бўлиши.

Кафедра мудирини жорий семестрнинг тўртинчи ҳафтаси якунигача тегишли фан раҳбари билан биргаликда оралиқ назорат саволлари (кейс стади, казус ва х.к.лар)нинг сифатли тайёрланишини таъминлайди.

Ҳар бир фан бўйича оралиқ назорат саволлари модерациядан ўтказилиши шарт. Модератор фан соҳаси бўйича мутахассис бўлиши талаб этилади. Саволлар модерациyasi ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда, оралиқ назорат саволларини модерациядан ўтказиш учун ташқи экспертлар жалб қилиниши мумкин.

Модератор хулосаларида кўрсатилган тавсияларга кўра оралиқ назорат саволларига фан раҳбари томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мустақил ёзма иш саволлари модерацияси бўйича тўлдирилган шакл модуль раҳбари томонидан ўқув-методик бўлим масъул ходимига белгиланган муддатларда топширилиши лозим.

Мустақил ёзма иш саволлари модерацияси бўйича тўлдирилган шаклнинг ўқув-методик бўлим масъул ходимига топширилиши мустақил ёзма ишнинг тингловчиларга эълон қилинишига асос бўлади.

Аудиторияда ўтказиладиган ёзма иш саволлари модерацияси бўйича тўлдирилган шакл эса, фан раҳбари томонидан ўқув-методик бўлим бошлиғига назорат бошланишидан камида бир кун аввал топширилади.

Аудиторияда ўтказиладиган ёзма иш саволлари модерацияси бўйича тўлдирилган шаклнинг ўқув-методик бўлим бошлиғига топширилиши ушбу шаклдаги назоратни ўтказишга асос бўлади.

Мустақил ёзма иш кўринишида олинadиган оралиқ назоратда тингловчи қатъий белгиланган муддатларда ёзма ишни тайёрлаш ва ўқув-методик бўлимга топширишга масъул ҳисобланади.

Тингловчига тайёрланган ёзма ишни фақатгина белгиланган муддатгача топшириш имконияти берилadi. Топширилган мустақил ёзма ишни алмаштириш ёки қўшимча ёзма иш топшириш тақиқланади. Топширилган мустақил ёзма иш тингловчига қайтарилмайди.

Кафедра мудири аудиторияда ўтказиладиган ёзма иш саволларини назорат ўтказиладиган аудиторияга ёзма иш бошланишидан 15 дақиқа аввал, конвертга солинган ва фан раҳбари имзоси қўйилган ҳолда етказиб беради.

Аудиторияда ўтказиладиган ёзма иш жараёни видеоёзувда қайд қилиниши мумкин.

Магистратура тингловчисининг мустақил ёзма иши 10-15 бет оралиғида бўлиши тавсия этилади, мустақил ёзма ишнинг титул varaғи, адабиётлар рўйхати ва мундарижаси бундан мустасно. Мустақил ёзма иш тингловчи томонидан компьютерда Microsoft Word дастурини қўллаган ҳолда, “Times New Roman” 14 шрифтда, 1,5 қаторлараро интервалда тайёрланиши ва А4 форматдаги оқ қоғозда принтердан чиқарилган бўлиши керак. Саҳифа ўлчами: саҳифа мўлжали китоб шаклида, юқори ва пастки – 2 см, ўнг тараф – 1,5 см, чап тараф – 3 смни ташкил этиши керак.

Мустақил ёзма иш тингловчи томонидан мустақил равишда тайёрланиши шарт. Муаллифликни ўзлаштириш (плагиат)га йўл қўйилмайди. Мустақил ёзма ишда қоғоз ёки электрон кўринишда нашр қилинган ўзга матндан олинган манбага ҳеч қандай ҳаволасиз ёки олинган манбага ҳавола қилинган бўлса-да, лекин ўзлаштиришларнинг ҳажми ва характери тингловчининг мустақил ёзма иш ёки унинг асосий қисмини мустақил ёзганига шубҳа уйғотадиган даражада матн ўзлаштирилган бўлса, мустақил ёзма иш плагиат деб топилади.

Муаллифликни ўзлаштириш (плагиат) икки хил кўринишда бўлиши мумкин:

- ўзга матнни сўзма-сўз баён қилиш;
- ўзлаштирилган ўзга матннинг мазмунини ўзгартирмасдан сўз ва ибораларни алмаштириб баён қилиш.

Мустақил ёзма ишнинг ўзганинг муаллифлик ишидан олинган ҳар қандай қисмида муаллиф ишнинг номи ва бошқа реквизитларини кўрсатган ҳолда ҳаволалар келтириши шарт. Мустақил ёзма ишни текширишда муаллифликни ўзлаштириш ҳолати аниқланган тақдирда, шунингдек, икки ёки ундан ортиқ мустақил ёзма ишнинг мустақил ёзилганлигига шубҳа уйғотадиган даражада ўхшаш бўлиши ушбу барча мустақил ёзма ишларнинг бекор қилинишига асос бўлади.

Оралиқ назорат ишини бетоблиги ёки узрли сабабга кўра белгиланган муддатларда топшира олмаган тингловчиларга ўқув-методик бўлим бошлиғи томонидан ўқув ишлари бўйича проректор билан келишган ҳолда икки ҳафта муддатда қайта топширишга рухсат берилади.

6. Якуний назорат – муайян фан бўйича жами назарий билим ва амалий кўникмаларнинг тингловчилар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули.

Якуний назорат тингловчининг фан ўқув дастурининг мазмунини ўзлаштирганлик даражаси, унинг мантиқий фикрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш, бошқарувга оид амалий кўникмаларни қўллаш олиш, муаммоли вазиятларни ҳал этиш, тизимли, танқидий таҳлил қила олиш, ўз фикрларини изчил ва аниқ баён қилиш қобилиятларини баҳолашга қаратилган.

Ўқув семестрининг фанлар бўйича якуний назорати семестр якунида бир маротаба ҳар бир фаннинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ёзма имтиҳон шаклида ўтказилади.

Кафедра мудири якуний назорат саволларини ишлаб чиқиши ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тайинланган модератордан модерациядан ўтказиши ва ёзма имтиҳон бошланишидан 15 дақиқа олдин имтиҳон хонасига конвертга солинган ва фан раҳбари имзоси қўйилган ҳолда етказилишини таъминлаши шарт.

Якуний назорат саволлари имтиҳон ўтказилишига қадар ошкор қилинишига йўл қўйилмайди, акс ҳолда кафедра мудири ва фан раҳбари огоҳлантирилади, такрорий ҳолда хайфсан эълон қилинади.

Якуний назорат ўтказиладиган фандан дарс бермайдиган кафедра профессор-ўқитувчилари, бош методистлар ҳамда бошқа ходимлардан иборат аудитория раҳбари ва кузатувчилар якуний назоратни ўтказадилар.

Аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларининг рўйхати тегишли кафедраларга якуний назорат ўтказилишидан камида бир ҳафта аввал етказилади.

Якуний назоратга келмаган аудитория раҳбари ва (ёки) кузатувчини алмаштириш мажбурияти тегишли кафедра мудири зиммасига юклатилади.

Якуний назорат олиб бориш жараёни видеоёзувда қайд қилиниши мумкин.

Имтиҳон жадвалида белгиланган имтиҳон вақти расман бошлангандан сўнг кечикиб келган тингловчилар имтиҳонга қўйилмайди.

Ёзма имтиҳон ўтказилаётган хонага аудитория раҳбари ва назоратчилардан ташқари шахсларнинг кириши қатъий тақиқланади. Ёзма имтиҳон ўтказиш жараёни ректор, ўқув ишлари бўйича проректор, факультет деканлари ҳамда ўқув-методик бўлим бошлиғи томонидан даврий равишда назорат қилиб турилиши мумкин.

Аудитория раҳбари ва кузатувчилар ёзма имтиҳон ўтказишда қуйидагиларни бажаришлари шарт:

– тингловчиларни якуний назорат бошланишидан аввал уни ўтказилиши қоидалари ҳақида хабардор қилиш;

– тингловчилар томонидан мобиль телефонларнинг ўчирилиши ва топширилишини таъминлаш;

– тингловчиларга якуний назорат давомида фойдаланиш тақиқланган барча предметларни кузатувчиларга ўз ихтиёрлари билан топширишларини таклиф этиш;

– тингловчиларни аудиторияда бир-бирларидан кўчиришлари учун имкон бўлмайдиган ҳолда жойлашувини таъминлаш;

– якуний назорат ўтказилаётган вақтда тегишли тартиб-қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш;

– зарур бўлганда тингловчиларга қайд этилган ноаниқликлар, техник хатолар ёки топшириқни бажаришга қўйиладиган махсус талаблар ҳақида маълумот бериш;

– якуний назорат ўтказиш қоидаларини бузган тингловчиларни далолатнома тузган ҳолда имтиҳондан четлаштириш.

Ёзма имтиҳон давомийлиги ўқув-методик бўлим томонидан ҳар бир фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Имтиҳон вақти аудитория раҳбари томонидан кўрсатма олинган вақтдан бошланади. Якуний назоратни бошлаш ва тугатиш вақти аудитория раҳбари томонидан аудитория доскасида акс эттирилиши зарур.

Якуний назорат ўтказилаётган аудиторияга ўқув бўлимнинг масъул ходими томонидан ўқув-методик бўлимнинг муҳри билан тасдиқланган жавоб варақалари етказилади.

Имтиҳон ўтказиш вақтида тингловчиларнинг имтиҳон саволларининг мазмуни тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилмайди.

Якуний назорат тингловчи томонидан мустақил равишда ёзилиши шарт. Текшириш вақтида икки ёки ундан ортиқ (иш мазмунининг 2/3 дан ортиғи) ўхшаш ёзма ишлар тингловчининг кўчирганлиги ҳолатига асос бўлади.

Тингловчилар ёзма имтиҳон топшириш учун кўк рангли шарикли ручка билан келишлари шарт.

Ёзма имтиҳон ўтказиш жараёнида тингловчиларнинг аудиториядан чиқиши, бир-бири билан гаплашиши, бошқа тингловчиларга ўз имтиҳон варақаларини ёки имтиҳон билетларини бериши, ўзи билан дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, луғатлар, маълумотномалар ва бошқа адабиётлар, конспектлар, шпаргалкалар, микрокалькуляторлар ва ҳ.к.ларни олиб кириши тақиқланади.

Ёзма имтиҳон ўтказиш жараёнида алоқа (шу жумладан, мобиль алоқа), аудио-, фото- ва видео курилмаларидан фойдаланиш ман қилинади. Шахсий буюмлар сумкага солиниши ва аудиториядаги алоҳида столга қўйилиши керак.

Ўқув-услугий кенгаш ёки ўқув ишлари бўйича проректор томонидан айрим фанлар ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда улар бўйича якуний назорат имтиҳонини ўтказишнинг ўзгача тартиби белгиланиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган талабларни бузган тингловчилар аудиториядан четлаштирилади, тингловчиларнинг якуний назорат иши бекор қилиниб, ноль рейтинг бали қўйилади.

Ёзма имтиҳон учун ажратилган вақт тугаганидан сўнг, тингловчи ўз имтиҳон билети ва жавоб варақасини аудитория раҳбарига топширишга мажбурдир. Ёзма имтиҳон мобайнида ёзилган ёзма иш жавоб варақалари сони аудитория раҳбари томонидан қайта саналади, ёзма имтиҳон жавоб варақалари ҳар бир бетига тартиб рақамини ва шахсий имзосини қўяди ҳамда имтиҳонда қатнашган тингловчилар рўйхати ва аудиториядан четлаштириш тўғрисидаги далолатномалар билан биргаликда ўқув-методик бўлимнинг масъул ходимиغا имзо қўйиб топширилади.

III. Назоратнинг объективлигини таъминлаш

7. Оралиқ ва якуний назорат ўтказишда баҳоларнинг холислигини таъминлаш мақсадида тингловчилар тўғрисидаги маълумотлар уларнинг ёзма ишларига ўқув-методик бўлим томонидан идентификация кодлари бериш йўли билан шифрланади.

Оралиқ ва якуний назорат ишлари (кейинги ўринда – ёзма ишлар) ўқув-методик бўлимга топширилган куни шифрланади.

Имтиҳон ишлари шифрланиши тугагандан сўнг кейинги кундан кечиктирмаган ҳолда ўқув-методик бўлимнинг масъул ходими тегишли далолатнома асосида шифрланган ёзма ишларни махсус ажратилган хонада текшириш учун масъул профессор-ўқитувчиларга шароит яратади. Махсус ажратилган хонада видеоназорат ташкиллаштирилиши мумкин.

Кафедра оралиқ ва якуний назорат ёзма ишларини текшириб бўлганидан сўнг бир ҳафта муддат давомида тингловчилар учун ёзма ишларда кўп учраган хатолар юзасидан маслаҳатлар ўтказиши шарт.

Ёзма иш натижалари оралиқ ва якуний назорат топшириш рейтинг қайдномаларида нотўғри қайд қилинган ҳолатлар учун, ўқув-методик бўлимга ёзма ишларни вақтида топшириш ва расмийлаштиришга масъул бўлган профессор-ўқитувчи жавобгар ҳисобланади.

Агар ёзма иш натижаси жамловчи рейтинг қайдномасида нотўғри акс эттирилган бўлса, ўқув-методик бўлимнинг жамловчи рейтинг қайдномасини тузишга масъул бўлган ходими жавобгар бўлади.

Жорий назорат рейтинг қайдномасининг, оралиқ ва якуний назорат топшириш рейтинг қайдномаларининг ҳамда якуний жамловчи рейтинг қайдномаларининг шакллари ўқув-услугий кенгаши томонидан тасдиқланган намуна бўйича тузилади.

Ўзма ишларни баҳолашда холисликни таъминлаш мақсадида ўқув-методик бўлим ўзма ишларнинг тасодифий танланган ҳолда қайта текширилишини ташкил қилади. Бу мақсадда Академия профессор-ўқитувчилари ёки бошқа мутахассислар жалб қилинади ва улар баҳолаш мезонлари асосида тингловчиларга қўйилган оралик ва якуний назоратлар рейтинг балларининг холислигини аниқлайди.

Профессор-ўқитувчи томонидан қўйилган ва тасодифий танланган ҳолда қайта текширилган ишлар баллари орасида сезиларли даражада тафовут аниқланган ҳолда (оралиқ ва якуний назорат ишлари бўйича - 10 баллдан юқори), тегишли кафедра томонидан топширилган ишларнинг маълум бир қисми ёки барчаси ўқув ишлари бўйича проректор қарорига асосан қайта кўриб чиқилиши керак. Ишларни қайта кўриб чиқиш мазкур кафедра профессор-ўқитувчиларининг ўзлари томонидан амалга оширилади ва қайта кўриш натижалари кафедра мудирининг имзоси билан тасдиқланади.

Ўқув-методик бўлим бошлиғи оралик ва якуний назорат натижаси бўйича топшириш рейтинг қайдномаларини кўриб чиқиб кўп миқдорда паст ёки юқори ўзлаштириш рейтинг баллик ишларни аниқласа, бу ҳақда ўқув ишлари бўйича проректорни хабардор қилади. Ўқув ишлари бўйича проректор ўқув-методик бўлим бошлиғининг билдиришномасига асосан ректор буйруғи асосида ташкил этиладиган экспертлар гуруҳи томонидан ўзма ишларни қайта текширтириш ҳуқуқига эга.

Экспертлар гуруҳи ишига раҳбарликни одатда, ўқув ишлари бўйича проректор амалга оширади. Экспертлар сифатида бошқа олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва амалиёт вакиллари (келишув асосида) иштирок этиши мумкин. Экспертларнинг шахси ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Экспертларнинг асосий вазифаси ўзма ишларни тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида қайта текшириб, қўйилган балларнинг мувофиқ ёки номувофиқ эканлигини аниқлашдан иборат.

Қайта текшириш натижаларига кўра экспертлар гуруҳи ўзининг экспертлар гуруҳи аъзолари томонидан имзоланган ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланадиган хулосасини тақдим қилади ва бу тегишли балларни ўзгартириш учун асос ҳисобланади. Хулоса ўқув-методик бўлимга жамловчи қайдномани тайёрлаш учун тақдим этилади.

Экспертлар гуруҳининг хулосаси расмийлаштирилгунга қадар оралик ва якуний назорат натижалари якуний эмас деб ҳисобланади ва тингловчиларга эълон қилиниши мумкин эмас. Хулоса расмийлаштирилгунга қадар натижалар махфийлиги учун ўқув-методик бўлим масъул ходими жавобгар ҳисобланади. Ўқув-методик бўлим бошлиғи ходимларининг лавозим мажбуриятларини бажаришлари учун зурурий шарт-шароитларни таъминлашга масъулдир.

Масъул ходим оралик ва якуний назорат натижаларининг махфийлиги бузилиши юзасидан барча ҳолатлар тўғрисида ўқув-методик бўлим бошлиғига дарҳол хабар бериши керак.

Ўқув-методик бўлим якуний назорат натижалари эълон қилинганидан кейин уч кун давомида кафедра мудирига оралик ва якуний назорат натижалари бўйича тингловчилар рўйхатини тақдим этади.

Кафедра мудирлари бир ҳафта муддатда комиссия тузишлари ва тингловчиларнинг жорий назорат балларини оралик ва якуний назорат баллари билан қиёсий таҳлил ўтказишлари шарт. Таҳлил якунлари асосида кафедра мудирлари, зарурият пайдо бўлганда, оралик назорат баллининг тингловчи билими билан мувофиқлигини аниқлаш мақсадида савол-жавоб ўтказилишини таъминлайди. Тингловчи билими билан оралик назорат бали ўртасида номувофиқлик ҳолати аниқланганда, кафедра мудирлари ўқув ишлари бўйича проректор номига аввал қўйилган балларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги билдиришнома билан мурожаат қилади. Ўқув ишлари бўйича проректор уч кун ичида оралик назорат баллари бўйича тегишли қарор қабул қилади.

Оралик ва якуний назорат натижалари муҳокама қилиш учун Академия ректори буйруғи билан баҳолаш комиссияси таркиби тасдиқланади.

Баҳолаш комиссиясининг оралик ва якуний назорат натижалари хулосаси ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади. Оралик ва якуний назорат натижалари тасдиқлангунга қадар улар якуний эмас деб ҳисобланади ва тингловчиларга эълон қилиниши мумкин эмас.

Ўқув-методик бўлим текширилган ёзма ишлар ва профессор-ўқитувчи томонидан келтирилган тақриз билан танишиш учун тингловчиларга имкон яратиб беради.

Тингловчилар назорат натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч кун давомида ўқув-методик бўлимга мурожаат қилиши мумкин.

Ўқув-методик бўлим барча тингловчиларнинг мурожаатларини умумлаштиради ва ўқув-методик бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланган жадвал асосида тингловчиларга текширилган ёзма иш ва профессор-ўқитувчининг тақризи билан танишиш имкониятини беради.

Тингловчи қўйилган баллдан норози бўлса, бир кун давомида апелляция шикоятини бериши мумкин.

Ўқув-методик бўлим бошлиғи ўқув ишлари бўйича проректорга келиб тушган апелляция шикоятлари ҳақида маълумот беради. Ўқув-методик бўлим бошлиғининг билдиришномасига асосан ўқув ишлари бўйича проректор ректорга апелляция комиссиясини тузиш ҳақида тақдимнома киритади.

Ректор буйруғи асосида уч нафар аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси тингловчиларнинг апелляция шикоятларини кўриб чиқиб, уларнинг апелляция шикоятлари бўйича қарор қабул қилади.

Текширилган ёзма ишлар ўқув-методик бўлимда бир йил мобайнида сақланади. Муддати ўтган ишлар йўқ қилинади.

IV. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

8. Тингловчининг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси тингловчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш (жорий назоратдан ташқари) рейтинг тизими асосида балларда акс эттирилади.

Тингловчининг семестр мобайнидаги ҳар бир фан бўйича ўзлаштириши 100 баллик тизим асосида бутун сонлар билан баҳоланади.

100балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- жорий назорат – 40 балл (40%);
- оралик назорат – 20 балл (20%);
- якуний назорат – 40 балл (40%).

Тингловчилар рейтингини ҳисобга олиш тизимида малакавий амалиёт, фанлар бўйича якуний давлат аттестацияси ҳамда магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш ҳам 100 баллик тизим асосида баҳоланади.

Тингловчининг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолашда қуйидаги намунавий мезонлардан келиб чиқиш тавсия этилади.

а) 86-100 балл олиш учун тингловчи:

– ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарурий исботлар билан асослантириши;

– илмий терминологиядан аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри ифодалаши;

– муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашини илмий-амалий жиҳатдан асослаб бера олиши;

– ўқув фанининг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;

– ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;

– амалий масалаларни қисқа, асосланган ва самарали ҳал этиши;

– фан ўқув дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;

– ўқиладиган фан бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, танқидий баҳо бериш ва илмий ютуқлардан фойдалани олиши;

– семинар, амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида фаол қатнашиши лозим.

б) 71-85 балл олиш учун тингловчи:

– ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, асослантириши;

– илмий терминологиядан аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри ифодалаши;

– ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;

– фан бўйича умумий тушунчага эга бўлиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;

– амалий машғулотларда тегишли соҳадаги ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни тегишли вазиятларда тўғри қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олиши;

– фан ўқув дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;

– семинар, амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида фаол қатнашиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим.

в) 55-70 балл олиш учун тингловчи:

– Давлат таълим стандартлари доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;

– илмий терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин айрим хатоларга йўл қўйиши;

– жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганлиги;

– фан ва унга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;

– модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;

– семинар, амалий машғулотларда қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим.

г) тингловчининг билим даражаси 0-54 гача баҳоланади, агар:

– давлат таълим стандартлари доирасида фанга тегишли айрим тушунчаларга эга бўллиши;

– илмий терминларни ўз ўрнида ишлата олмаслиги ёки саволларга жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйган ҳолда жавоб бериши;

– семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида пассив қатнашиши;

– амалий кўникмаларга эга бўлмаслиг, ўз хатоларини профессор-ўқитувчи тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаслиги.

9. Жорий назорат тегишли фан бўйича ажратилган семинар ва амалий машғулотлар мавзуларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Тингловчи фан доирасида семинар ва амалий машғулотларнинг барча мавзуларини ўзлаштириши шарт.

Мауъян мавзунини ўзлаштирамаган тингловчи икки ҳафталик муддатда мазкур мавзунини тўлиқ ўзлаштириши шарт.

10. Тингловчи семестр мобайнида фан бўйича олган умумий бали белгиланган тартибда тингловчи томонидан ҳар бир назорат тури бўйича тўпланган умумий баллар йиғиндисида тенг бўлади.

V. Назоратларни ўтказиш муддатлари

10. Оралик назорат Ўқув-методик бўлим томонидан ўқув ишлари бўйича проректор билан келишилган ҳолда ўқув режа ва кафедралар тақдим этган календарь тематик режаларга биноан тузилган назорат жадваллари асосида ўтказилади.

Яқуний назорат семестрнинг охири сўнгги икки ҳафтасида ўтказилади.

Тингловчиларнинг малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳонни ташкил қилиш тегишлича биринчи ўқув йили охирида – малакавий амалиёт бўйича, 4 семестр охирида – стажировка бўйича амалга оширилади.

Жорий назорат бўйича зарурий баллни тўплай олмаган ёки узрли сабабларга кўра қатнаша олмаган тингловчиларга кейинги жорий назорат ўтказилгунга қадар қайта топширишига муддат берилади, охириги жорий назорат учун эса якуний назорат бошланишига қадар топшириш ҳуқуқи берилади. Қайта топширишнинг аниқ муддатлари тегишли кафедра томонидан ўқув-методик бўлим билан келишилган ҳолда белгиланади.

Назоратнинг барча турлари бўйича саралаш балини кўтариш мақсадида қайта топширишга рухсат берилмайди.

Тегишли фаннинг профессор-ўқитувчиси жорий назорат баллари қўйилган кун кафедра мудирига етарли балл тўплай олмаган ҳамда дарсда қатнашмаган тингловчилар ҳақида маълумот бериши шарт.

Жорий назорат балларини кафедра мудирини тасдиқлагандан сўнг икки кундан кечиктирмай етарли балл тўплай олмаган тингловчилар рўйхати эълон қилинади.

Қайта топшириш кафедра томонидан жорий назоратнинг кейинги баллари қўйилгунга қадар ташкил қилиниши керак. Кафедра мажлисида қайта топширишни қабул қилиш учун кафедра мудирини раислигида комиссия тузилиши мумкин.

Қайта топшириш натижалари алоҳида қайднома кўринишида Ўқув-методик бўлимга кейинги кундан кечиктирмай тақдим қилиниши шарт.

Касаллиги туфайли дарсларда қатнашмаган ва жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ўз вақтида топширмаган тингловчиларга Ўқув-методик бўлим бошлиғи томонидан ўқув ишлари бўйича проректор билан келишган ҳолда ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда қайта топширишга рухсат берилади.

Тингловчи қуйидаги ҳолатларда академик қарздор ҳисобланиши мумкин:

– агар тингловчининг семестрда жорий назорат тури бўйича белгиланган умумий балларнинг 55 фоизидан кам баллга эга бўлса;

– агар тингловчининг семестрда оралиқ назорат тури бўйича тўплаган баллари ушбу назорат тури умумий баллининг 55 фоизидан кам бўлса;

– агар тингловчининг семестрда якуний назорат тури бўйича тўплаган баллари ушбу назорат тури умумий баллининг 55 фоизидан кам бўлса.

Академик қарздор тингловчиларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун икки марта имкон берилади. Биринчи имконият фан ўтиладиган семестр охирида, иккинчи имконият фанни тўлиқ ўзлаштиригандан кейин, ўқув йили охирида берилиши мумкин.

Академик қарздор тингловчилар учун қайта топширишнинг аниқ муддатлари ўқув-методик бўлим томонидан белгиланади.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб фанни ўзлаштира олмаган тингловчи ўқув-методик бўлим бошлиғининг тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан тингловчилар сафидан четлаштирилади.

Академик қарздор тингловчига қайта топширишда оралиқ ва якуний назорат учун ажратилган максимал баллнинг 55 фоизидан ортиқ балл қўйилиши мумкин эмас.

Оралиқ назоратнинг мустақил ёзма иш шакли қайта топширилганда у аудиторияда ўтказиладиган ёзма иш шаклида олиниши мумкин.

VI. Рейтинг натижаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг таҳлил қилиниши

11. Тингловчининг фанлар кесимида тўплаган баллари семестр якунида жамловчи рейтинг қайдномасига бутун сон кўринишида киритилади.

Профессор-ўқитувчи томонидан оралиқ ва якуний назорат ёзма ишининг титул варағи устида балл қўйилиши шарт. Балл аниқ ифодаланган шаклда профессор-ўқитувчининг имзоси билан тасдиқланган ҳолда қўйилиши керак. Баллни ўчириш, бўяш мумкин эмас. Ҳар қандай тузатишлар кафедра мудирининг имзоси билан тасдиқланиши шарт.

Ёзма шаклда ўтказилган оралиқ ва якуний назорат натижалари тасдиқланганидан сўнг икки кун мобайнида тингловчилар эътиборига махсус стендлардаги ёзма эълонлар орқали етказилади.

Якуний назорат натижалари бўйича ўқув-методик бўлим жорий назорат рейтинг қайдномаси, оралиқ ва якуний назорат топшириш қайдномаларига асосан тингловчилар рейтингини аниқлайди ва жамловчи рейтинг қайдномасини тузади.

Тингловчиларнинг умумий рейтингини ҳар бир семестр ва ўқув йили якунидан сўнг эълон қилинади.

Тингловчининг назорат турлари бўйича эришган натижалари тингловчилар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимида киритилади, ўқув-методик бўлим томонидан тизимли равишда таҳлил қилинади ва Ўқув-услубий кенгашда муҳокама қилиш учун киритилади.

Жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари мунтазам равишда кафедра йиғилишларида, шунингдек, Ўқув-услубий кенгаш, Академия Кенгаши йиғилишларида муҳокама қилинади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Ўқув йилининг якуни бўйича рейтинг назорати натижаларига кўра тингловчиларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.